#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

32 Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўгрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд тизими ходимларини ижтимоий мухофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўгрисида» 2012 йил 2 августдаги ПФ—4459-сон Фармони)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд тизими ходимларини ижтимоий мухофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўгрисида» 2012 йил 2 августдаги ПФ−4459-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:** 

- 1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофик айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.
- 2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

#### Узбекистон Республикасининг Бош вазири

III. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2013 йил 15 январь, 11-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й.



3 (555)-сон — 7 — 32-модда

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 январдаги 11-сон қарорига ИЛОВА

#### Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

- 1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси судьяларини, прокуратура ва адлия органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя ҳилишни кучайтириш тўғрисида» 1993 йил 9 июлдаги 343-сон ҳарорида:
  - а) 1 ва 2-бандлар қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
  - «1. Қуйидагилар:

малака даражалари учун судьяларнинг лавозим маошларига қушиладиган қушимча ҳақ миқдорлари 1-иловага мувофик;

мартаба даражалари учун прокуратура органлари прокурор-терговчи ходимларининг лавозим маошларига қушиладиган қушимча ҳақ миқдорлари 2-иловага мувофиқ;

судлар ва адлия органларининг малака даражалари ва мартаба даражаларига эга булган ходимларига узок муддат хизмат килганлиги учун бериладиган хар ойлик устама хак микдорлари 3-иловага мувофик;

мартаба даражалари учун судлар ва адлия органлари ходимларининг лавозим маошларига қушиладиган қушимча ҳақ миқдорлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

- 2. Умумий юрисдикция судлари (харбий судлардан ташқари), хужалик судлари ва адлия органлари ходимларига малака даражаси, мартаба даражаси ва узоқ муддат хизмат қилганлиги учун лавозим маошларига қушимча ҳақ ва ҳар ойлик устама ҳақ Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобига тулансин»;
  - б) қарорга 3-илованинг номи қуйидаги тахрирда баён қилинсин;
- «Судлар ва адлия органларининг малака даражалари ва мартаба даражаларига эга булган ходимларига узок муддат хизмат килганлиги учун бериладиган хар ойлик устама хак микдорлари (лавозим маошига нисбатан фоизларда)»;
- в) қарорга 4-илованинг номидаги «Адлия» сўзи «Судлар ва адлия» сўзлари билан алмаштирилсин.
- 2. Вазирлар Махкамасининг «Давлат хокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари мехнатига ҳақ тӱлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тӱғрисида» 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига 15 18-иловалар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:



32-модда

3 (555)-сон

«Вазирлар Махкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига 15-ИЛОВА

## Узбекистон Республикаси Конституциявий суди ходимларининг мехнатга хак тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича РАЗРЯДЛАРИ

| Лавозим номи    | Разряди |
|-----------------|---------|
| Раис            | 21      |
| Раис ўринбосари | 19      |
| Судъя           | 18      |
| Котибият мудири | 16      |
| Раис ёрдамчиси  | 15      |
| Катта эксперт   | 14      |
| Эксперт         | 13      |

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига 16-ИЛОВА

## Узбекистон Республикаси Олий суди, Олий хужалик суди ходимларининг мехнатга хак тулашнинг Ягона тариф сеткаси буйича РАЗРЯДЛАРИ

| Лавозим номи                                | Разряди |
|---|---------|
| Раис  | 21      |
| Раиснинг биринчи ўринбосари                 | 20      |
| Раис ўринбосари                             | 19      |
| Судъя                                       | 18      |
| Бошқарма, бўлим бошлиғи                     | 14      |
| Олий суд Президиуми котибияти бошлиғи, раис | 13      |
| ёрдамчиси, бош консультант                  |         |
| Катта консультант                           | 12      |

3 (555)-сон

**— 9 —** 

32-модда

Вазирлар Махкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига 17-ИЛОВА

Корақалпогистон Республикаси фукаролик ва жиноий ишлар буйича олий судлари, Корақалпогистон Республикаси хужалик суди, вилоятлар, Тошкент шахар фукаролик ишлари ва жиноий ишлар буйича судлари, хужалик судлари ходимларининг мехнатга хак тулашнинг Ягона тариф сеткаси буйича РАЗРЯДЛАРИ

|                              | Вилоятлар гурухлари бўйича разрядлар |         |         |         |
|------------------------------|--------------------------------------|---------|---------|---------|
| Лавозим номи                 | гурухдан<br>ташқари                  | 1-гурух | 2-гурух | 3-гурух |
|                              | разряди                              | разряди | разряди | разряди |
| Раис                         | 20                                   | 19      | 18      | 17      |
| Раис ўринбосари              | 18                                   | 17      | 16      | 16      |
| Судъя                        | 17                                   | 16      | 15      | 15      |
| Катта консультант, қабулхона | 12                                   | 12      | 11      | 10      |
| бошлиғи                      |                                      |         |         |         |
| Раис ёрдамчиси               | 10                                   | 10      | 9       | 9       |
| Консультант                  | 9                                    | 9       | 9       | 9       |

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига 17а-ИЛОВА

# Вилоятлар маркази бўлган шахарлар (шахар, туманлараро) умумий юрисдикция судлари ходимларининг мехнатга хак тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича РАЗРЯДЛАРИ

| Порозум чому                | Шахарлар гурухлари бўйича<br>разрядлар |         |  |
|-----------------------------|--|---------|--|
| Лавозим номи                | 1-гурух                                | 2-гурух |  |
|                             | разряди                                | разряди |  |
| Раис                        | 17                                     | 16      |  |
| Раис ўринбосари             | 16                                     | 15      |  |
| Судъя                       | 15                                     | 14      |  |
| Консультант, раис ёрдамчиси | 9                                      | 9       |  |

Изох: суд раисининг ўринбосари лавозими судда судьялар сони олти нафар ва ундан ортиқ бўлганда киритилади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.



32-модда

— 10 — 3 (555)-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига 18-ИЛОВА

### Туманлараро, туманлар, шахарлар фукаролик ишлари ва жиноий ишлар буйича судлари ходимларининг мехнатга хак тулашнинг Ягона тариф сеткаси буйича РАЗРЯДЛАРИ

| Лавозим номи                | Разряди |
|-----------------------------|---------|
| Раис                        | 16      |
| Раис ўринбосари             | 15      |
| Судъя                       | 14      |
| Консультант, раис ёрдамчиси | 9       |

Изох: суд раисининг ўринбосари лавозими судда судьялар сони олти нафар ва ундан ортиқ бўлганда киритилади».

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й.